2008 ЙИЛ, 3 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 194 (11.255)

Баҳоси эркин нархда


## ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ КЕНГ КЎЛАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 2 ОКТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.**

Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжаликларининг аксарияти ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини ана шундай хўжаликлардан бири – Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади. Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда 27,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан ғалла олди. 27,5 гектар майдонда эса пахта қийғос очилган.

Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, ютуқ ва марраларни изчил янгилаб бориш, хусусан, ер унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил изланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Туман ҳудудидан ўтадиган дарёлар, каналлар ва сойлардан қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда кенг фойдаланилади. Фермерларнинг минерал ўғит, ёнилғи, банк кредитлари ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари катта. Бу омиллар ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Президентимиз фермерлар, туман ва вилоятнинг мутасадди раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳосилдорликни янада оширишнинг муҳим омиллари, илм билан амалиётнинг ҳамкорлиги ҳақида тўхталди.

– Аввало, қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш амалиётига эътиборни тубдан ўзгартириш зарур, – деди Ислом Каримов. – Бунда мутахассислар, агрономлар, олимлар фермерларга яқин маслаҳатчи, керак бўлса ёрдамчи бўлишлари лозим. Айниқса, вилоят ҳудудида жойлашган пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари муайян майдонга қандай экинларни қай тартибда алмашлаб экиш мақсадга мувофиқ экани, қайси экинлар ерни қувватсизлантириши-ю, қайсилари тупроқ унумдорлигини ошириши ҳақида деҳқонларимизга аниқ илмий-амалий тавсиялар беришлари даркор.

Туманда икки хил – «Наманган-77» ва «С-65-24» ғўза навлари экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари вилоят, туман тупроқ-иқлим шароитига мос янги ғўза навларини яратиш ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда олимлар, агрономлар, соҳа мутасаддиларининг фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

– Энг муҳими ва асосийси ерни эъзозлаш, унга меҳр бериш керак, – деди Президентимиз. – Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади, дейди халқимиз.

Юртбошимизнинг бундай сафарлар чоғида оддий одамлар билан учрашиши, дилдан суҳбат қуриши яхши анъанага айланган. Бундай учрашувлар мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ислом Каримов фермерларнинг қишлоқ хўжалигидан қандай фойда кўраётгани, юртимиздаги янгиланишлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

«Усмонобод» маҳалласи раисаси Шарифа Салимованинг айтишича, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик муҳити, амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самаралари кишиларимизнинг ҳаёт тарзи юксалиши мисолида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳалла ҳудудида яшайдиган аҳолининг қарийб 70 фоизи шахсий автомобилига эга. Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган мактаб биносининг капитал реконструкция қилингани ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг қувончига қувонч қўшган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ушбу маҳаллада ҳам аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда. Эҳтиёжманд оилаларга бепул чорва моллари бериш ва уларни харид қилиш учун эса банк кредитлари ажратиш амалиёти бунда яна бир самарали иш бўлди. Кейинги вақтда маҳалланинг 12 оиласи соғин сигирли бўлди. Соғин сигир – қут-барака манбаи. Оилага инъом этилган чорва моли нафақат рўзғор тебратиш воситаси, айни чоғда яхшигина даромад топиш учун ҳам имконият, демакдир.

Президентимиз оилаларга чорва моллари тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта кўмак бўлаётганини қайд этаркан, келгусида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳар бир оилада соғин сигир бўлишини, демакки, ҳар бир боланинг табиий сут маҳсулотлари истеъмол қилиши ва шу тариқа соғлом вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, жойларда ем сотадиган шохобчалар, махсус дўконлар ташкил этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қулайликлар яратишнинг амалий бир кўринишидир. Ҳозирги кунда Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида ўн битта ана шундай дўкон ишлаб турибди. Мамлакатимиз раҳбари бундай шохобчаларда кунжара, шелуха, шрот каби чорва емларининг эркин ва узлуксиз савдосини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимиз Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ашурмат Каримов" фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини замон талаблари даражасида барпо этиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини янада кўпайтириш имконини бермоқда. Буни 831 фермер хўжалиги фаолият юритаётган Ўрта Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Фермерлик ҳаракати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда, – деди Юртбошимиз. – Фермер – универсал деҳқон. Ернинг аҳволи, қилинган меҳнат, етиштирилган ҳосил фермер ишига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқларимиз асосини мана шу омиллардан излашимиз керак.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

– Ҳақиқатан, ерларимизнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида эмасди, – дейди "Мадониз" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Аҳмедов. – Бу борадаги муаммолар изчил ҳал этилмоқда. Шу пайтга қадар туманимиз бўйича 100 километрлик зовурлар тозаланди. Фермерларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларнинг самарасини ўз фаолиятлари мисолида яққол кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Юртбошимиз Пскент туманидаги «Маҳмуд Қосимов» фермер хўжалигига ташриф буюрди. Ушбу хўжалик жорий йилда 52 гектарга ғалла экиб, 62 центнердан ҳосил олди. Хўжалик раҳбари Мирвосит Мирмаҳмудовнинг айтишича, пахта тайёрлаш ҳам мўлжалдагидан ошириб бажарилади.

Хўжаликда 2007 йили 28 киши меҳнат қилар эди. Жорий йилда полиз экинлари, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига бу кўрсаткич қарийб икки ҳисса ошди. Хўжалик битта мактаб-интернат ва болалар боғчасини оталиққа олиб, таъмирлаш ишлари, турли тадбирларни ўтказишда уларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов мазкур хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашди.

– Бугун мамлакатимизни равнақ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда, – деди Ислом Каримов. – Фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Фермер хусусий мулкдор сифатида меҳнатни замонавий асосда ташкил қилади, манфаатдорлиги туфайли иш унумдорлигини муттасил ошириб боради. Шунингдек, фермерларимиз хайрли ишларга бош қўшмоқдалар.

Илгари биз фақат пахта етиштириб, бошқа маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Истиқлол йилларида пахта майдонлари қисқариб, бошқа экинлар учун ажратилган майдон тобора кенгаймоқда.

Бундай ўзгаришларни Пскент тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган бир йилда туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, Хитой ва Эрон ишбилармонлари билан ҳамкорликда иккита қўшма корхона, янги коллеж ва янги мактаб барпо этилди. Жорий йилда туманда 20 минг тоннадан зиёд ғалла етиштирилди. Туман пахтакорлари 30 минг тонна пахта тайёрлаш ниятида.

Мамлакатимиз раҳбари фермерликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига тўхталди.

Учрашувда Оққўрғон туманидаги «Азизбек Умр» фермер хўжалиги раҳбари Р.Умиров, Бўка туманидаги «Мўминобод» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Н.Шоматова, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори М.Қурбонова, Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Д.Салимова, Зангиота туманидаги «Иттифоқ мева-сабзавотлари» агрофирмаси раҳбари Ҳ.Йўлчиев ва бошқалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар. Бу халқимиз, айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



## «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА 2 ОКТЯБРЬ КУНИ «КОНЧИЛИК УСКУНАЛАРИ – MINING WORLD UZBEKISTAN – 2008», «КИМЁ, ПЛАСТМАССА, РЕЗИНА – CHEMPLASTASIA UZBEKISTAN – 2008», «САНОАТ УЧУН ҚАДОҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ, ИДИШЛАР ВА ЁРЛИҚЛАР – PROMUPAK UZBEKISTAN – 2008» ҲАМДА «МАШИНАСОЗЛИК – MACHINERY CENTRAL ASIA - 2008» ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ.**

Марказий Осиё саноат ҳафталиги номини олган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодиёт ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниялари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Н.Мавлонов истиқлол йилларида мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги технологияларни кенг жорий этиш, сармоя муҳитини такомиллаштириш ва фаоллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда қулай сармоя муҳити яратилгани хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишда муҳим омил бўлаётир.

*(Давоми 2-бетда).*

## «ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАЁТГАН БАРҚАРОР ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ»

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР ВА ФОТОКЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Буюк Британия давлат, сиёсий, ишбилармон ва таҳлил доиралари вакиллари, шунингдек, Лондонда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Меҳмонлар эътиборига Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ва байрам концерти намойиш этилди.

Тадбир доирасида Британия-Ўзбекистон жамияти ва «Оксус Голд» компаниясининг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон: кеча ва бугун, жойлар ва одамлар» деб номланган фотокўргазма очилди. Бир муддат аввал жорий йилнинг июнь ойида ушбу кўргазма Шотландиянинг Глазго шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон маданияти кечаси» доирасида муваффақиятли намойиш этилган эди.

Ўзбекистон фото санъати тарихи XIX аср сўнгидан бошланиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айнан ўша даврдан бошлаб турли суратқашлар ва истеъдодли ижодкорлар ўзбек халқининг кундалик ҳаёт тарзини тасвирга олиб, том маънодаги санъат асарларини яратганлар. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон туб тарихий ўзгаришларни бошдан кечирди, ҳаёт тарзи, шаҳарлар қиёфаси ва иқтисодий инфратузилма мутлақо ўзгарди. Аммо, шу билан бир қаторда, ўтган вақт мобайнида қадимий анъаналар ва бой маданий мерос асраб-авайланди, янада ривожланди.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан партия аъзолари, фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланди.

● **ЁШЛАР** йили муносабати билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан уюштирилган хайрия тадбирида қандли диабет хасталиги билан оғриган болаларга зарур дори-дармонлар тарқатилди.

● **«ЎЗБЕКТУРИЗМ»** миллий компаниясида ўтказилган тадбирда сайёҳлар учун «Кўҳна Буюк Ипак йўли» деб номланган янги сайёҳлик хизмати кўрсатиш режалаштирилганлиги таъкидланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида 5 октябрдан кино мухлислари эътиборига ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Шабнам» бадиий фильми намойиш этилади.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Экосан-Тур» экологик туризм маркази Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш йўлида» фестивалини ўтказди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, сайёҳлик компания ва фирмалари, дипломатик корпус вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

● Самарқанд шаҳрида вилоят адлия бошқармаси, адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида «Адвокатура институтини ислоҳ қилиш — давр талаби» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган қарори ижросига бағишланди.

● Тошкентда «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан «Инклюзив таълим тизимини такомиллаштиришда ягона миллий стратегияни белгилаб олишнинг аҳамияти» мавзусида тадбир ўтказилди. Республика Халқ таълими вазирлиги, халқаро хайрия жамғармалари ҳамда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари вакиллари қатнашган тадбирда имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериш борасидаги ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

● Тошкент аэропортида Францияда ўтказилган ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган юртимиз терма жамоасини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

● Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор шаҳарчасида Ёшлар йили муносабати билан «Сени ардоқлайман, юртим!» номли адабий кеча ўтказилди.

● «Микрокредитбанк»нинг Сурхондарё вилояти филиали ўз маблағлари ҳисобига 10 мингга яқин иш ўринлари ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг беш мингдан ортиғига қишлоқ аёллари жалб этилди.

● Россия «Газпромавиа» компаниясининг янги «Москва-Нукус-Москва» ҳаво йўналиши бўйича қатновчи мунтазам рейс очилди. Эндиликда йўловчилар ҳафтанинг шанба кунларидан ташқари доимий равишда мазкур рейс хизматидан фойдаланишлари мумкин.

### ЖАҲОНДА

● Эквадор давлатида янги конституция қабул қилинди. Уни мамлакатнинг 70 фоизга яқин аҳолиси қўллаб-қувватлади. Янги асосий қонунда давлатни бошқаришда қуролли кучлар ролини ошириш белгилаб қўйилган.

● Кеча Россия Федерацияси ва Украина давлатлари ўртасида газ соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

● Арманистон парламентида янги спикер тайинланди. Парламентга раис этиб амалдаги Арманистон республика партияси раҳбари Овид Абрамян сайланди.

● Россия ҳукумати 2020 йилгача бўлган мамлакат тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқди. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан тақдим этилган ривожланиш режасига кўра, иқтисодиётнинг анъанавий секторларини модернизация қилиш кўзда тутилган бўлиб, бу меҳнат унумдорлигини 3-5 маротаба ошириши кутилмоқда.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес ва Бразилия Президенти Лула да Сильва икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида етти келишувни имзолади. Имзоланган келишувлар иқтисодий ҳамкорликни, жумладан, энергетика ва металлургия соҳаларида ўзаро алоқаларни кенгайтиришни ўзида акс эттирган.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг маълумотларига қараганда, Янги Зеландияда Рихтер шкаласи бўйича 7,3 баллга тенг бўлган зилзила содир бўлди. Зилзила келтирган натижалар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

● Франция маъмурлари кичик ва хусусий миллий корхоналарни ривожлантириш мақсадида 22 миллиард евро миқдорида кредитлар ажратишга қарор қилди.

● Бугун Сент-Луис шаҳрида АҚШ вице-президентлигига номзодлар ўртасида дебатлар бўлиб ўтди.

● Бугун Франция пойтахти Париж шаҳрида 110-бор нуфузли халқаро автосалон очилди. Унда «Форд», «Тойота», «Мазда» каби етакчи автомобилсозлик компанияларининг бир нечта янги моделлари намойиш этилмоқда.

● Эрон БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги резолюциясини инкор этди. Зеро, расмий Теҳрон Хавфсизлик Кенгашининг яқиндаги ёпиқ йиғилишида Эронга нисбатан қабул қилган резолюциясини асоссиз деб атади.

● Еврокомиссия бир нечта нефть компанияларини жаримага тортди. Зеро ушбу комиссия «Exxon Mobil», «Toetal», «Sasol» нефть билан ишлайдиган компанияларни монополия ва ўзаро тил бириктирганликда айблади. Хусусан, улар парафинга юқори нарх қўйилганликда айбдор деб топилиб, жами 957 миллион долларга жаримага тортилган.

# ИЛМИЙ ВИРТУАЛ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТДА 1-2 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ НАТОНИНГ "ВИРТУАЛ ИПАК ЙЎЛИ" ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва НАТО Илмий қўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Германия, Бельгия, Польша, Буюк Британия, Нидерландия, Беларусь, Норвегия, Венгрия, Туркия, Арманистон каби давлатлардан ахборот технологиялари бўйича мутахассислар, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда барча жабҳалар қатори телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Қадимда Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида нафақат савдо алоқаларини ривожлантириш, балки ахборот алмашиш борасида ҳам мустаҳкам робита бўлиб хизмат қилган. Йиллар ўтиб, ахборот алмашувининг янги шакллари пайдо бўлди. Соҳада қулайликлар яратувчи кўплаб янги технологиялар кашф қилинди. Интернет тармоғи ана шундай замонавий ахборот манбаи ҳисобланади. Турли соҳаларни қамраб олган он-лайн тизимидаги сайтлар сони ҳам тобора ортиб бораётир. Бу эса ўқувчига қисқа вақт ичида зарур маълумотга эга бўлиш имконини бермоқда. НАТОнинг 2000 йили ишлаб чиқилган "Виртуал Ипак йўли" лойиҳаси Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг Интернетда илмий-маърифий тармоқларини яратиш ва бу борадаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

"Виртуал Ипак йўли" лойиҳасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад илм-фан соҳасини янада ривожлантиришда ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш орқали Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари ўртасида илмий-маърифий ахборот алмашувини фаоллаштиришдан иборат.

– Ўзбекистон – улкан илмий салоҳиятга эга мамлакат, – дейди НАТОнинг "Тинчлик ва хавфсизлик илми" лойиҳаси раҳбари Крис де Виспилаэр (Бельгия). – НАТО мамлакатингиз билан ахборот технологиялари, тиббиёт, фан-таълим, экология каби кўплаб соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳаси жадал ривожланаётганининг ва интернетдан фойдаланувчилар сони тобора ошиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Юртингизнинг ушбу соҳада Марказий Осиё минтақасида илгарилаб кетгани диққатга сазовор. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда кўплаб янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Мамлакатимиз 2002 йилдан буён "Виртуал Ипак йўли" лойиҳаси доирасида Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг илмий тармоғини барпо этишда фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти қошида яратилган UzSciNet провайдери минтақамиз мамлакатлари орасида энг етакчи илмий ахборот тармоқларидан биридир. Мазкур тармоқ юртимиздаги илмий ва маданий соҳаларга оид маълумотларни қамраб олади. Шунингдек, у юртимизда ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

UzSciNet тармоғининг қамрови кундан кунга кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда ушбу тармоққа қирк саккиз институт ва университет уланган. Мазкур тармоқдан мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа кўплаб илмий муассасалар вакиллари бепул фойдаланиш имконига эга. UzSciNet тизими, шунингдек, Ўзбекистон олим ва мутахассисларига ўз илмий ишлари билан йирик халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун қулайлик яратаётир.

– Ўзбекистонда "Виртуал Ипак йўли" лойиҳасини амалга ошириш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар таҳсинга лойиқ, – дейди Лондон университет-коллежи профессори Питер Кирштэйн. – Фаолияти йил сайин такомиллашиб бораётган UzSciNet тизими бунинг ёрқин далилидир. Айни вақтда шундай тармоқни бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш масалаларини кўриб чиқмоқдамиз. Ўзбекистонда сунъий йўлдош ва оптик-толали алоқа тизими ҳам жадал ривожланмоқда. Умид қиламизки, мамлакатингиз яқин йилларда сунъий йўлдош тизимидан тўла оптик-толали тизимга ўтади. Бу эса виртуал алоқа тезлигини янада оширишга, видео-конференция тизимини фаоллаштиришга, масофадан таълим олишни жадаллаштиршга ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда "Виртуал Ипак йўли" лойиҳаси доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни, ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ахборот технологиялари соҳасини янада такомиллаштириш орқали халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари**

*Семинарлар*

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА ЎТДИ

**КУНИ КЕЧА УЧТЕПА ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ УЧТЕПА ТУМАН АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ, «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТУМАН БЎЛИМИ, ТУМАН СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ, ТУМАН ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ, ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ТУМАН БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда мазкур туманда фаолият юритаётган кичик корхона, микрофирмалар ва хусусий бизнес субъектлари, маҳаллий ҳокимият тегишли органлари раҳбарлари, етакчи мутахассислари қатнашди. Семинар-йиғилишни кириш сўзи билан очган Учтепа туман ахборот маслаҳат маркази раҳбари Жаҳонгир Раҳмонов очиқ мулоқот тарзида ўтказилаётган тадбирдан кўзланган мақсад хусусида тўхталар экан, туманда бугунги кунда фаолият юритаётган 2825 нафар тадбиркорларга кўрсатилаётган амалий ёрдам яъни уларга кейинги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш хусусан, бу борадаги Президентимизнинг Қарор ва Фармонлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров ўз сўзида тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Корхона ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Семинар давомида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилишди.

Эътиборли томони, ташкилотчилардан сўзга чиққанлар — ўқув-семинар қатнашчилари — туман тадбиркорларини қизиқтирган, ўйлантирган саволларига жавоблар қайтаришди, қонунлар юзасидан тўлиқ маълумотлар бериш асносида уларга асқотадиган адабиёт, рисолалар ҳақида гапириб ўтишди ҳамда қатор амалий таклифлар ҳам киритилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# «ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАЁТГАН БАРҚАРОР ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ»

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Шуни инобатга олган ҳолда фотокўргазма юз берган тарихий ўзгаришларни Ўзбекистондаги турли диққатга сазовор жойлар ва одамлар қиёфаси орқали идрок этишга қаратилган. Кўргазмадан «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» тўплами ҳамда «Жаҳон» ахборот агентлиги архивидан олинган олтмишта сурат жой олган бўлиб, уларда тарихий ёдгорликлар, қурилиш, тўқимачилик саноати, самолётсозлик ва автомобилсозлик, маданият ва санъат, динлараро тотувлик, ҳунармандчилик, катталарга ҳурмат, ёшлар, оила ва бошқа мавзулар қамраб олинган.

Байрам кечаси иштирокчилари мамлакатимиз халқини Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, ватандошларимизга тинчлик, барқарорлик ва равнақ тилаб қолди.

Меҳмонларнинг аксарияти юртимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлар сарҳисоби ва халқимиз олдида турган янги вазифалар келтириб ўтилганини таъкидлади.

Жумладан, **Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут** Ўзбекистон халқини байрам билан самимий табриклаб, кўргазмада намойиш этилган фотосуратлардан катта завқ олганини айтиб ўтди. «Тарих ва бугуннинг лаҳзаларини қиёслаш жуда қизиқарли ва ибратли бўлди, - деди у. – Бу асарларда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан нақадар ишонч билан одимлаётганини кузатиш мумкин».

**Кувайтнинг Буюк Британиядаги элчиси, Лондондаги дипломатия корпуси дуайени Холид ал-Дувайсан** Ўзбекистон ислом ва жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалар билан ном қозонганига эътибор қаратди. «Халқингиз истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари билан ҳам том маънода фахрланиши мумкин, - деди дипломат. - Биз ўзбекистонлик дўстларимиз ўз миллий меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга нечоғли катта эътибор кўрсатаётганини кўриб, ҳайратда қолдик».

**Россия ва Марказий Осиёда бизнесни ривожлантириш бўйича «Dods Eurоpe» нашри директори Жеймс Миллер** юртимизга янада равнақ ва ҳар томонлама тараққиёт тилаган ҳолда Ўзбекистонни кўп йиллардан буён яхши билишини қайд этди. «Бу қадар қисқа давр ичида Ўзбекистон эришган натижаларни қўлга киритган давлатлар дунёда жуда кам, - деди эксперт. - Ҳозирги Ўзбекистон – ёш, иқтидорли ва билимли аҳолига эга бўлган ҳамда келажак сари ишонч билан одимлаётган барқарор ва қудратли давлатдир».

**«Жаҳон» АА,**
**Лондон.**

# «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш суръати муттасил ўсиб бормоқда. 2007 йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,1 фоизга ошди, унинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 25 фоизни ташкил этди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланмоқда. Бу мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бераётган юксак самаралардандир.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Хитой, Германия, Италия, Корея Республикаси, Швеция, Финляндия, Индонезия, Украина, Туркия каби кўплаб мамлакатлардан олтмишдан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида «Шўртангазкимё» мажмуи, «Micros Engineering», «Polimer group Asia», «Mashimport», «Винлад» (Ўзбекистон), «Atlas Copco», «Rescona Group» (Қозоғистон), «Rudmash Export», «Автомаркет майнинг», «Волгабурмаш», «Полипак Трейд», (Россия), «Guangdong Liansu Machinery Manufacturing», «King Quenson Industry», «Trustchem» (Хитой), «Rolandtecnic», (Германия), «Bielloni Castello», «Garioni Naval» (Италия), «Sandvik Mining and Construction» (Финляндия), «Ариста», «Крымский Титан» (Украина) сингари йирик компаниялар бор.

Кимё саноати, кончилик ва металлургия Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидандир. Бугунги кунда мамлакатимиз кимё саноати тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури юздан ошади. «Mining World Uzbekistan – 2008» ва «ChemPlastAsia Uzbekistan – 2008» кўргазмалари кимё саноати ҳамда кончилик ва металлургия соҳаларининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Кўргазмаларда кимё ва нефть кимёси саноати учун хомашё ва ускуналар, органик ва ноорганик кимё, органик синтез маҳсулотлари, кимёвий тола ва иплар, лаборатория ускуналари, лок-бўёқ, маиший кимё воситалари, махсус кийимлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қурилмалари, компрессорлар, кончилик технологиялари, юк ортиш-ташиш машиналари, бурғилаш техникасига оид бўлимлар ишлаб турибди.

– Компаниямиз тоғ-кон металлургияси ва қурилишда қўлланиладиган технологияларни етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, – дейди Хитойнинг «Lonran» компанияси менежери Яо Янпинг. – Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай шароит яратилганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва қатор шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Юртимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни замон талаблари даражасида қадоқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «PromUpak Uzbekistan – 2008» кўргазмасида бунинг учун зарур асбоб-ускуналар намойиш этилмоқда.

– Бизнинг компания пластик қувурлар ва пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – деди «Polimer group Asia» компанияси бош директори Самариддин Иброҳимов. – Ушбу кўргазмада ҳар йили мунтазам иштирок этиб келамиз. Мақсадимиз халқаро андозаларга мос маҳсулотларимиз билан ички ва ташқи бозордаги ўрнимизни янада кенгайтиришдан иборат.

«Машинасозлик – Machinery Central Asia – 2008» кўргазмаси мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган бўлса-да, унда иштирокчилар сафи жуда кенг. Кўргазмада саноат корхоналарини модернизациялашда фойдаланиладиган технологиялар, ускуна ва қурилмалар намойиш этилмоқда.

Ушбу кўргазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш ва саноатнинг етакчи тармоқлари, хусусан, кончилик ва металлургия, қадоқлаш ҳамда машинасозлик соҳаларини янада ривожлантиришга, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга, соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

*2008 — Ёшлар йили*

# ЧОРВОҚ ОРОМГОҲИГА САЁҲАТ

**БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК, УЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН ҚАЛБИМИЗ ҒУРУРГА ТЎЛМОҚДА.**



Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 29 февралдаги «Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш мақсадида зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини ҳамда ёш оилаларнинг дам олишини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек оилаларга психологик, ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар бериш мақсадида шаҳримизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизда муборак Рамазон ойи якунланиб, Ҳайит байрами кенг нишонланмоқда. Одатда янги турмуш қурган келин-куёвлар хонадонида уч кун ҳайит маросими ўтказилар эди. Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига кўра юртимизда тўй-маъракаларда дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, исрофгарчиликларга, қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримизни менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш каби иллатларга чек қўйиш кўзда тутилган бўлиб, мазкур Фармон ижроси амалда ўз ифодасини топмоқда.

Айтиш жоизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан етти йилдан буён «Оила — муқаддас даргоҳ» тадбири ўтказиб келинмоқда. Унга кўра, муқаддас байрамларимиздан бўлмиш Рамазон Ҳайити байрамида янги оила қурган ёш келин-куёвлар Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, «Чорвоқ» оромгоҳида мароқли дам олиш имконига эга бўлмоқдалар.

Жорий йилда ҳам ташкилотчилар янги келин-куёвлар учун ажойиб туҳфа тайёрладилар. Ҳайит байрамининг биринчи куни 150 жуфт янги келин-куёвларни Ўзбекистонимизнинг энг хушманзара дам олиш масканларидан бири — «Чорвоқ» оромгоҳига икки кунлик саёҳати уюштирилди. Эрта тонгдан пойтахтимизнинг энг сўлим ва кўркам маскани бўлган Мустақиллик майдонига йиғилган келин-куёвлар қалблари қувонч ва фахрга тўлган ҳолда порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар ва автобусларда Чорвоқ оромгоҳи томон йўл олдилар. Саёҳат давомида етук ҳуқуқшунослар, оилашунос олималар ва руҳшунослар иштирокида оила масъулияти, эр-хотин, қайнона- келин муносабатлари, оила бюджети, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва тиббий билимларини оширишга доир мавзуларда суҳбатлар, тренинглар, викториналар, савол-жавоблар ҳамда маданий тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда энг фаол иштирок этган келин-куёвлар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бепул тарзда ташкил қилинган ушбу акцияга қизиқаётганлар сони йилдан- йилга ортиб бормоқда. Саёҳатнинг юқори савияда ўтиши учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши, шаҳар ИИББ, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мароқли ва мазмунли дам олган ёшлар ушбу саёҳатдан бир олам таассурот олиб, кўнгиллари фахр-ифтихорга тўлди. Улар мазкур саёҳатдан мамнунликлари, бахтиёрликларини қуйидагича баён этдилар.

— Шундай муборак Ҳайит байрами кунлари саёҳатга чиққанимиздан жудаям хурсандмиз, — дейди Миробод туманидаги «Оқ уй» маҳалласида истиқомат қилувчи Нодир Саидов. — Рафиқам Нодирахон билан саёҳатимиз давомида етук мутахассислардан кеpакли маслаҳатлар олдик, маданий тадбирларда иштирок этдик, юртимизнинг жаннатмакон гўшаларини томоша қилиб, мароқли дам олдик. Ўйлайманки, бу саёҳат барчамизнинг ҳаётимизда унутилмас, қувончли кун бўлиб қолади. Шу фурсатдан фойдаланиб, биз ёш оилаларни қўллаб-қувватлаётган, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришимиз учун имкониятлар яратаётган давлатимиз, хусусан Президентимизга ва барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: ёш келин-куёвлар Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўймоқдалар. Алексей Попов олган сурат.**

*Таълим*

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ «УЧИШ АППАРАТЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИ, ЛОЙИҲАЛАШ ВА УЛАРНИНГ АЭРОДИНАМИКАСИ» КАФЕДРАСИ ЎЗИНИНГ ЯРИМ АСРЛИК ТАРИХИГА ЭГА.**

Бу ерда таълимий жараёнлар билан бирга лойиҳа-конструкторлик ишлари олиб борилмоқда, Ана шу изланишлар натижасида парвоз этувчи аппаратлар янги авлодининг қатор лойиҳалари юзага келди. Қишлоқ хўжалиги учун махсус самолётларнинг «Эскиз лойиҳаси»ни ишлаб чиқишга 5,6 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, махсус магистрал юк ташувчи самолётлар лойиҳаси ҳам ниҳоясига етди.

# МАНБАШУНОСЛИКДАН ДАРСЛИК

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАНБАШУНОСЛИК ФАНИДАН ҚАТОР ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ЯРАТИЛДИ.**

«Тарихий манбашунослик» деб номланган янги нашр мактабларга дарслик сифатида тақдим қилинди. Ушбу адабиёт ўқувчиларни қадимги, ўрта аср ва янги тарихга оид юнон, лотин, араб, форс ва ўзбек тилларида ёзилган манбалар билан ҳам яқиндан таништиради. Шунингдек, китобга фойдали маълумотлар ҳам илова қилинган. Бу каби материаллар мавзуларни пухта эгаллаш учун хизмат қилади.

# УНИВЕРСИТЕТ ЙИЛНОМАСИДАН

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАТОР КИТОБЛАР БОСМАДАН ЧИҚДИ.**

«Мўътабар зиё маскани», «Университет — менинг ҳаётимда» деб номланган тўпламлар олий ўқув юрти тарихидан ҳикоя қилувчи нашрлар бўлиб хизмат қилади.

«Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари» номли йирик тўплам эса ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилди.

*Тиббиёт*

# КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЛОЙИҲА

**УМУМЖАҲОН АҲОЛИШУНОСЛИК КУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАМ НИШОНЛАНДИ. БУ САНАДА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ АҲОЛИШУНОСЛИК ЖАМҒАРМАСИ ЎЗ ҲИСОБОТИНИ ТАЙЁРЛАДИ.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик Декларациясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда эришилган ютуқлар ҳам сарҳисоб қилинди.

Аҳолишунослик ҳаракат дастурининг асосий мақсади ҳисобланган аёллар мавқеини кўтариш, хотин-қизлар билан эркаклар тенглигини таъминлашга доир тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Мана, 15 йилдирки, бу нуфузли жамғарма аёллар саломатлигини ва турмуш шароитини яхшилаш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

# НАШРИЁТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**ТИББИЁТГА ОИД КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТИШДА МОСКВАДАГИ «ГЕОТАР-МЕДИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲАМДА «МЕДКНИГАСЕРВИС» НАШРИЁТ УЙИНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛМОҚДА.**

Ушбу жамоалар чиқараётган нашрлардан республикамиз мутахассислари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бу хил адабиётларни мамлакатимизга кўплаб олиб келиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу нашриётлар билан ҳамкорлик шартномасини тузди.

Шу муносабат билан вазирликда давра суҳбати ўтказилиб, ўзаро келишув тадбирлари белгиланди.

# ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСЛИКЛАР

**ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ВА ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА КЎПЛАБ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.**

Фармацевтика менежменти ва иқтисодиёти, фармацевтик таҳлил ва фармакогнозия каби йўналишларда магистрлар ўқуви ҳам йўлга қўйилади. Дори турлари технологияси мутахассислиги давом эттирилади.

**Акбар АЛИЕВ**

# ПОЙТАХТДА МОДАЛАР ҲАФТАЛИГИ

**«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН 12-17 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНД ШАҲАРЛАРИДА STYLE.UZ ДИЗАЙН ВА МОДАЛАР ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Тадбир ташкилотчилари томонидан модалар ҳафталигига Австрия, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Туркия, Ҳиндистон, АҚШ, Швейцария, Япония ва Хитойдан йигирмадан зиёд энг машҳур дизайнерлар таклиф этилган. Эътиборлиси, улар орасида дунё модалар оламининг нуфузли вакили, машҳур япониялик дизайнер Такадо Кензо ҳам бор. Мода оламида ўзига яраша қатор янги йўналишларни кашф этган Т.Кензо 1999 йилда Дунё мукофотига лойиқ топилган.

Тадбирда шунингдек, модага оид халқаро журналларнинг бош муҳаррирлари, шу соҳа билан шуғулланувчи бирлашмалар ва телевидениялар ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этади. Бу эса шубҳасиз, мамлакатимизда дизайн ва замонавий модалар борасида қилинаётган ишлар кўламига ижобий таъсир кўрсатади. Бу оламга энди қадам қўяётган ўзбекистонлик ёш дизайнерлар учун эса ижодий мактаб вазифасини ўтайди.

Фонд томонидан бу каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётганлиги диққатга сазовор. Худди шундай модалар ҳафталигининг олдингисида мамлакатимизга россиялик нуфузли дизайнерлар ташриф буюрган эди.

**«Туркистон-пресс»**

